

КАМОЛ РАҲМОНОВ

# “1918-1939 – йилларда Туркия” мавзуси юзасидан дарс ишланмаси



БУХОРО-2021

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги  
Бухоро давлат университети**

**Жаҳон тарихи кафедраси**

**КАМОЛ РАҲМОНОВ**

**“1918-1939 – йилларда  
Туркия” мавзуси юзасидан  
дарс ишланмаси**

**Методик қўлланма**

**БУХОРО-2021**

Мазкур методик қўлланма олий ва ўрта таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-хунар таълимида фаолият олиб бораётган тарих фани ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Дарс ишланмаси материаллари ўқитувчига “Жаҳон тарихи” фанидан очик маъруза ва вебинар дарсларни самарали ташкил этиш имкониятини беради.

**Такризчилар:**

**Ш. А. Ҳайитов – тарих фанлари доктори, профессор.**

**Т.Т.Қаюмов - тарих фани ўқитувчиси.**

Ушбу методик қўлланма Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси навбатдан ташқари йиғилишининг 2021 йил 23 февралдаги баённомаси ва Бухоро давлат университети ўқув-методик кенгаши 2020 йил 26 февралдаги йиғилиши қарорлари билан нашрга тавсия қилинди.

**Кириш**

Тарихий билим ва тушунчаларни эгаллашда дунё мамлакатларида кечаётган иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий жараёнлардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, дунё кўп қутбли бўлган ҳозирги даврда тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликнинг роли ошиб бораётганлиги исбот талаб қилмайди. Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) йўналиши талабаларига, шунингдек, ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига ўқув режасига асосан ўтиляётган “Жаҳон тарихи” фанини чуқур ва мукамал ўргатиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Жаҳон тарихи” фани ўқув дастури<sup>1</sup> да ва ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун “Жаҳон тарихи (1918-1991 йиллар)” номли дарслиги<sup>2</sup> да Туркия тарихига салмоқли саҳифалар ажратилган.

Демак, тарих фани ўқитувчиси “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусидаги дарс машғулоти (маъруза, семинар, аралаш дарс)ни ўз компетентцияси ва замонавий методологияси асосида таълимий, тарбиявий, инновацион кенг қамровли ташкил этишга масъул ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи дарсликлардан ташқари қўшимча инновацион материаллардан фойдаланиши жуда зарурдир. Мазкур методик қўлланма тарих фани ўқитувчиларига юқоридаги талабларни амалга оширишлари учун хизмат қилади.

Тарихий илм ва тушунчаларни эгаллашда икки жаҳон уруши оралиғида дунё мамлакатларида кечган иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий жараёнлардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, дунё кўп қутбли бўлган ҳозирги даврда тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликнинг роли ошиб бораётганлиги исбот талаб қилмайди. 1918-1939 йилларда Туркия мавзусини чуқур ва мукамал ўрганиш долзарблик касб этади.

Иккинчидан, XX асрнинг 20-йилларида БХСР-Туркия ўртасидаги алоқаларнинг йўналишлари ҳамда тарихий тажрибасидан хулосалар чиқариш ҳам муҳимдир.

Жаҳон тарихи фанидан “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусини атрофлича ва кенг қамровли ўрганиш учун 1917-1930 йилларда Туркистонда чоп этилган даврий матбуот материаллари, мавзуга оид қўшимча бой маълумотлар беради. Жумладан, 1920-1929 йилларда Бухорода дунё юзини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 607-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Жаҳон тарихи” фан дастури. –Тошкент. 2017. -45 бет

<sup>2</sup> Жаҳон тарихи [Матн]: ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун “Жаҳон тарихи (1918-1991 йиллар)” дарслиги /Ш.Эргашев, Б.Ходжаев, Ж.Абдуллаев. –Тошкент: “Турон-Иқбол”. 2017.-144 б.

кўрган, Бухоро маҳаллий матбуот органлари- “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари<sup>3</sup> да Туркиянинг урушдан кейинги ўн йилликларидаги сиёсий, иқтисодий, маданий аҳволига оид кўпгина маълумотлар келтирилган. Туркиядаги сиёсий аҳвол, унинг биринчи раҳбари Мустафо Камолнинг фаолияти тўғрисида кўп воқеликлардан воқиф бўлинади. Айниқса, Туркия - БХСР ўзаро дипломатик алоқалари тарихига оид қизиқарли маълумотлар маҳаллий матбуот саҳифаларида келтирилган. Шунингдек, кўшимча адабиётлар сирасига тақдир тақозоси билан Туркияга муҳожирликка кетишга мажбур бўлган ватандошларимиз ҳақидаги истиқлол йилларида яратилган китоб ва мақолалардан ҳам фойдаланиш маълумотлар доирасини кенгайтиради.

Дарс жараёнида ўқитувчи ўтган мавзуни мустаҳкамлаш босқичини яқунлаб, дарснинг янги мавзу бўлимида мавзуни умумий тавсифлайди (1-режа баёни орқали) ва кўшимча манбалар орқали ўқувчиларга мавзуни тушунтириш учун мавжуд материалларни икки гуруҳга ажратиб олади. Биринчидан, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида Туркия миллий мустақиллигини тўла таъминлаш йўлида ҳар қандай қурбонлар беришга тайёр эканлиги, халқаро анжуманларда ўз иззат-нафсини ҳимоя қилаётганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларга бой мақолалар эълон қилинганлигини, Туркиянинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боғлиқ хабарларга салмоқли ўрин ажратилган бўлиб, «Шарқ дунёсида Туркия: Миллат Мажлисига кимлар сайланди?», «Туркия-Польша шартномаси», «Туркияда Албания ҳайъати», «Туркияда янги Америка ширкати», «Туркияда Миллий Мажлис очилди», «Туркия ҳукуматининг Шимолий Америка Жумҳуриятига мурожаати», «Туркия-Арманистон муносабатлари», «Истамбул бўшатилади», «Туркияга мутахассисларни жалб қилиш», «Туркия урушга қарор берган»<sup>4</sup>, каби ўнлаб хабар ва мақолалар газета саҳифаларида мавжудлигини қайд этади.

Иккинчидан, «Бухоро ахбори»да Туркия Республикасининг биринчи президенти, камолчилар инқилобининг ташкилотчиси ва раҳбари, йирик давлат арбоби, XX аср буюк шахслари қаторидан муносиб ўрин олган

---

<sup>3</sup> “Бухоро ахбори” газетаси БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси матбуот органи бўлиб, 1920 йил 9 сентябрдан 1923 йил октябргача чоп этилган. Газета ўзбек тилида, ислоҳ қилинган араб имлосида, сарғиш рангли ўртача сифатдаги қоғозда, ҳафтада 1-2 марта, 1500-2000 нусхада чиқарилган. 1923 йил 16 октябрдан “Озод Бухоро” номида газета нашр қилина бошланган. Бу газета 1930 йил октябр ойигача чиқиб турган.

Газеталарнинг тўлиқ таҳламлари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўзбекистон МДА) ва Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти марказий кутубхонасида сақланмоқда.

<sup>4</sup> «Бухоро ахбори» 1923 йил 2 август.185-сон, 7 август 187-сон, 11 август 188-сон, 15 август 190-сон, 29 август 195-сон, 5 октябр 210-сон, 10 октябр 212-сон, 12 октябр 213-сон.

Мустафо Камол пошо (1881-1938, 1923-1938) шахсияти ҳамда фаолиятига боғлиқ бир қатор мақолалар чоп этилганлигини, (хатто, «Озод Бухоро» газетасининг 11(224)-сонида Мустафо Камолнинг киефаси акс этирилган) газеталарда «Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қаҳрамон - Камол пошо», «Мустафо Камол-Миллат Мажлиси раиси», «Мустафо Камол пошо-Жумхурраис», «Мустафо Камол пошо ва совет раҳбарлари»<sup>5</sup>, каби йирик мақолалар босилганлигини, буларда унинг ҳаёт йўли, сиёсий фаолияти, ҳарбий кўмондонлик маҳорати, Туркистонга муносабати атрофлича баён қилинганлиги айтилади (2-режа баёни ва иловалари орқали).

Тарих фани ўқитувчисига дарс машғулотининг янги мавзуни мустаҳкамлаш қисми учун бир неча интерфаол усуллардан фойдаланишга тавсия берилади (3-режа баёни ва иловалари орқали).

### **Мавзу: 1918-1939 йилларда Туркия**

Режа:

1. “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусининг қисқача мазмуни
2. “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусини ўрганишга оид қўшимча материаллар ва иловалар
3. Мавзуни мустаҳкамлашда янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш
4. Хулоса

#### **1. “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусининг қисқача мазмуни:**

Усманийлар империяси Германия ва унинг иттифоқчилари сафида туриб Биринчи жаҳон урушида қатнашди ва мағлубиятга учради. Империя ҳудуди оккупация қилинди. Антанта мамлакатлари Усманийлар империясига қаршли ерларни бўлиб олиш режасини туза бошладилар. Империянинг ўз ҳудудидан ташқаридаги барча ерлари аннексия қилинди ва 1919 йили Париж конференцияси қарорига кўра Миллатлар Лигасининг мандати остига ўтди. Ғарб давлатлари Туркиянинг ҳудудига кўз тика бошлади. 1920 йилги Севр шартномасига кўра Туркия ҳудуди бир гуруҳ Европа давлатлари ўртасида бўлиб олиниши кўзда тутилди. Уларнинг сурбетларча ҳаракати турк халқининг ғзабини оширди. Мамлакатда қаршилиқ ҳаракати бошланди. Ҳаракатга **генерал Мустафо Камол пошо** раҳбарлик қилди.

Ғарб давлатлари томонидан қўллаб-қуватланган Греция армияси Туркия ҳудудига киритилди. Шу тариқа Туркия-Греция уруши бошланди. Узоқ давом этган жанглардан сўнг **1922 йил октябр**га келиб, М. Камол

---

<sup>5</sup> Ўша газеталар. 106-сон, 1922 йил 29 октябр. 193-сон 1923 йил 24 август.

кўшинлари бутун Туркия худудини озод қилди. **1922 йил 1 ноябр** куни Туркия Буюк Миллат мажлиси султон ҳокимиятини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Султон Меҳмед VI тахтдан ағдарилди ва мамлакатни тарк этди. **1923 йили Лозаннада** Буюк Британия, Франция ва бошқа бир қатор давлатлар билан М. Камол ҳукумати имзолаган якуний шартномага кўра, Туркия ўз суверенитети ва худудий яхлитлигини сақлаб қолди.

**1923 йил 29 октябрда** Туркия республика деб эълон қилинди, М. Камол республика президенти этиб сайланди. Мамлакатда узоқни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар бошланди.

Ислохотларнинг бош мақсади – мамлакатни модернизация қилиш деб эълон қилинди. Бу Европа цивилизациясининг барча тараққийпарвар жиҳатларини қабул қилиш ва уларни Туркия шароитига мослаштиришни аниқлар эди. Ислохотларнинг биринчи тамойили дунёвийлик, динни давлатдан ажратиш бўлди. Араб алифбосидан воз кечиб, латин алифбоси жорий қилинди. Европача насаб (фамилия) киритилиб, Буюк миллат мажлиси М. Камолга расман «**Отатурк**» (турклар отаси) деган насабни берди.



**1920 йилги Севр шартномасига кўра Туркиянинг тақсимланиши.**

1920 йиллари иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишини чет эллик мулкдорлардан саноат корхоналари, инфратузилма объектлари, темир йўлларни сотиб олиш, миллий саноатни яратиш ташкил қилди.

Отатурк ташқи сиёсатининг асосий вазифаси Туркиянинг халқаро обрўсини оширишга қаратилди. **1932 йили** Миллатлар Лигасига аъзо бўлган Туркия барча давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилди.

М. Камол Германия билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратди. Туркия ташқи савдосининг катта қисми Германия ҳиссасига тўғри келарди. **1941 йили** Германия билан дўстлик шартномаси имзоланди. Туркия Иккинчи жаҳон урушида расман бетараф қолган бўлса-да, ҳукмрон доираларнинг катта қисми Германияга хайрихоҳ эди<sup>6</sup>.

## **2. “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусини ўрганишга оид қўшимча материаллар:**

Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Шарқ дунёсида миллий озодлик ва мустақиллик учун курашлар авж олди. Маълумки, Туркия (Усманийлар салтанати) Германия томонидан уруш ҳаракатларига кириб, Учлар иттифоқи енгилганидан сўнг ўз миллий бирлигини йўқотиш хавфи остида қолди. Ҳатто, мамлакат пойтахти Истанбулни Англия эгаллаб олди. 1918 йилнинг охиридан Туркиядаги озодлик курашига туркий халқларнинг буюк фарзанди Мустафо Камол Пошо бошчилик қилиб, 1920-1923 йилларда у тузган «Анқара муваққат ҳукумати» мустамлакачиларни (асосан Англия ва Италия ҳарбий кучлари) она-Ватани тупроғидан ҳайдаб чиқаришда йўлбошчилик қилди.

Туркияда сиёсий воқеалар кескин кечаётган бир даврда БХСР (1920-1924) ўзининг фаол ички ва ташқи сиёсатини юритаётган эди. Бухоро Республикасининг истиқболли режасида хорижий мамлакатлар билан дўстона дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, узоқ асрлик анъанавий ҳамкорлик алоқаларида бўлган Туркия билан қизғин муносабатларга киришилди. Умуман XX аср бошларида Туркиядаги “ёш турклар” билан Бухоро жадиidlари - “ёш бухороликлар” ўртасида дўстона, маърифий-маданий алоқалар ўрнатилганди. Бухоролик жадиidlар Туркияда нашр қилинган “Сиратул мустақим” (Тўғри йўл) журналининг катта қизиқиш билан ўқиб боришган. Узоқ вақт Европа мамлакатлари ва Туркияда яшаган, асли ота-бобоси бухоролик, кейинчалик тақдир тақозоси билан сибирлик ўзбек бўлиб қолган Абдурашид Абдурахим жадиidlчилик ҳаракатида биринчи марта миллий, маданий, сиёсий мустақиллик масалаларини кун тартибига қўйганди.

---

<sup>6</sup> Жаҳон тарихи [Матн]: ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун “Жаҳон тарихи (1918-1991 йиллар)” дарслиги /Ш.Эргашев, Б.Ходжаев, Ж.Абдуллаев. –Тошкент: “Турон-Иқбол”. 2017. -Б. 57-59.



Бухоро жадиidlаридан Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳри, Усмон Хўжа Пўлатхўжаевлар 1908-1910 йилларда Туркияга таҳсил олиш учун борган эдилар.

1910 йил Туркияда Абдурауф Фитратнинг (1886-1938) “Сайҳа” шеърӣ тўплами, “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи” каби фалсафӣ асарлари ёзилганди. “Мухтасари тарихи ислом” (Исломнинг қисқача тарихи) китоби ҳам ушбу мамлакатда дунё юзини кўрганди. Абдурауф Фитрат асарларининг асосий ғояси: Туркистон ҳозир турғунликда, Оврўпага эргашиб иқтисодӣ ислоҳотлар ўтказиши учун Туркиядан намуна олиши керак.

“Туркистонликлар биринчи жаҳон уруши йиллари арафасида ва уруш йилларида Туркияга қардошлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида маблағ ҳам тўплаганлар.. 1913 йил 13 апрелда 28000 сўм миқдорида Туркия учун “Хайрия” тўпланди”,-деб ёзилади манбалардан бирида.

Янги тарихӣ вазиятда, ҳақиқатдан ҳам БХСР ташкил топган 1920 йилда Туркия сиёсий ҳаётида истиқлол учун кураш авж олганди. Туркий халқларнинг асл ватани бўлган Туркистонда Туркиядаги тарихӣ жараёнларни ўта синчковлик билан кузатиб бориш, туркларни имкон қадар маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлини танланиши ўз-ўзидан аён эди. Юқорида қайд қилинганидек, Биринчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан Туркия 1920 йил 10 августда Париж яқинидаги Севр шаҳарчасида Антанта давлатлари билан имзоланган шартномага кўра, амалда ярим мустамлакага айлантирилди. Франция ва Англия ўртасида тақсимланган Усмонийлар салтанати фақатгина Кичик Осиё ярим ороли ҳамда Истанбул билан чекланишга мажбур бўлди. Истанбул инглиз истилочилари томонидан эгалланиб, прогрессив кучлар Анқарада Мустафо Камол раислигида “Янги Анқара муваққат ҳукумати”ни тузиб, озодлик ва мустақиллик учун кураш майдонига кирадилар. Антанта давлатлари, айниқса, Англиянинг қўллаб-қувватлаши билан юнонлар “Буюк Греция” давлатини тузиш байроғи остида турклар шаҳри Измирни истило қиладилар.

Ҳаёт – мамот жангига кирган “Анқара муваққат ҳукумати” ва унинг йўлбошчиси Мустафо Камол ҳақида “Бухоро ахбори” газетаси: “1921 йил 16 июлда турклар Мустафо Камол пошо бошчилигида бутун фронт бўйлаб юнонларга қарши қатъий ва умумий ҳаракатлар бошлағонлар. Шул вақтда турклар душмоннинг 3-4 баробар кўп бўлгон кучларига қарши қатъият билан курашиб, улар ҳужумини тўхтатурлар. Яшасин ўзларининг қаҳрамонлик ва ғайратлари орқасинда Европа таҳликасига (Юнонистон ва Англияга) қарши

туриб ҳарб майдонида умумий ғалаба қозониб, ўз ватанларини муҳофаза қилгон турк аскарлари!”<sup>7</sup> - деб ёзганди.

Туркия ва юнон урушлари икки йил (1920-1922) давом этиб, 1922 йил 9 сентябрь Муддания жангида турклар ҳал қилувчи ғалабага эришди ва Измирдан юнонларни ҳайдаб чиқарди. “Анқара муваққат ҳукумати” кўшинлари Мустафо Камол пошо раҳбарлигида турк шаҳарлари ҳисобланган Бурса, Ардахон, Иғдир, Эскишаҳарларни ҳам эгалладилар.

Туркларнинг адолатли урушдаги муваффақияти ҳақида: “Ниҳоят турклар ўз озодликлари йўлида ҳаракат қилиб, зарба бердилар. Ўзларининг озодлиги учун бутун ислом дунёси Англия ва унинг мамлакатлари билан муқаддас урушга киришдилар. Турклар озодлик байроғини баланд кўтариб, ўз истиқлолларини қўлга киритмишлар”<sup>8</sup>, - деб ёзилганди маълумотлардан бирида.

“Анқара муваққат ҳукумати”нинг озодлик учун кураши Бухоро халқининг муҳим диққат марказда бўлган. Туркия ҳукумати 1921 йил 16 мартда РСФСР билан дипломатик ва ҳамкорлик шартномасини имзолайди. Совет ҳукуматининг мутассадилари Ленин, Чичерин, Караханлардан Мустафо Камол пошонинг Москвадаги вакили Бекир Семибей молиявий ёрдам сўрайди. Совет даври тарихий адабиётларида 1920 йил сентябрдан 1922 йил май ойига қадар совет ҳукумати учун оғир ва машаққатли йиллар бўлиб, Мустафо Камол ҳукуматига БХСР ҳукуматида аввал молия нозири, кейин эса Марказий Ижроия Қўмита раиси лавозимида ишлаган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) Бухоро ҳукумати хазинасидан 100 млн. олтин сўм маблағ билан моддий ёрдам кўрсатган. Ушбу маблағнинг асосий қисми Москвада сақлаб қолиниб, 10/1 улушигина Онадўли (Туркияга)га юборилган. Турк тарихчи олимларидан Меҳмет Сарай 1990 йилда Истанбулда чоп эттирган “Отатуркнинг совет сиёсати” номли китобида: “Советларнинг Туркияга ёрдами тўлиқ бўлмасда, аммо ўша пайтда миллий озодлик ҳаракати ғалабасида муҳим роль ўйнаганди”,-деб ёзганди. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев муҳожирликка кетганидан сўнг 1922-1923 йилларда Мустафо Камол пошо билан мулоқотда бўлган. Туркиянинг бўлажак президенти унга ўз ҳукумати органларида ишлашни таклиф этган. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев унга Туркистон тарихи, маданияти қўлёзма асарларини тадқиқ қилиш масалалари билан шуғулланишини айтган. Шундан кейин Туркия ҳукумати томонидан ватандошимизга Мустафо Камол бўйруғи билан умрининг охиригача катта миқдорда нафақа тайинланади. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев вафотидан кейин бу нафақа турмуш ўртоғи ҳисобига ўтказилган.

<sup>7</sup> Зиё Усманий. Туркия ҳамда юнон муҳорабаси // Бухоро ахбори, 50-сон, 1921 йил 25 сентябр.

<sup>8</sup> Г.Хасаний. Туркларнинг ғалабаси муносабатида // Бухоро ахбори, 101-сон, 1922 йил 28 сентябр.

Бухоро халқи турк-юнон уруши майдонида турклар кўли баланд келганлиги муносабатила шодлик ва хурсандчилик билан 1922 йил 12 октябрда митинг ва намоишлар ўтказган. Уларда давлат раҳбарлари, ислом уламолари, оддий меҳнаткаш аҳоли, мактаб ўқувчилари ва мадраса талабалари иштирок қилишган. Турк шаҳидларининг руҳиг Қуръони карим тиловат қилиниб, мотам куйлари чалинган. Бу тадбирларда БХСР Халк Нозирлар Шўроси муваққат раиси Ато Хўжа, БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг биринчи муовини Аминов, маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов, ҳатто, Россиянинг Бухородаги вакили Фонштейн ҳам нутқ сўзлаган. Ўша куни митинг кечгача давом этган. Бухоро халқидан Туркия ҳукумати номига табрик телеграммаси тайёрланган. Мазкур телеграммадан: “Душмонни тор-мор қилиб буюк майдон муҳорабадаги Туркиянинг матлубини ҳал этиб, ушбу порлоқ тарихий ғалабангизни, уч миллион нуфузинда бўлгон ва икки йилдан буён сизни жаҳонгир сармоядорларни енгишингизни тилоғон Бухоро халқи номидан самимийликдан табрик этадур, олқишларла ушбу шодлигингизга шерик бўламиз. Сизнинг ғалабангиз муносабатила бутун Бухоро аҳолиси ва инқилобий шўролар ҳукумати 12 октябрда ўзининг маъмурлари, зиёлилари, талабалари билан буюк бир митинг тартибила ўтказди. Аҳолимизнинг руҳли шодлиги мақсади ила Бухоронинг “Масжиди Калони”да хатми Қуръон ўқилиб, шаҳидларнинг руҳига ҳадя этди. БХШЖ ҳукумати туркларнинг порлоқ натижаларини, Истанбул ҳукумати қатъиятингизни бутун ҳаяжон ва интизор этмакдадур.

Яшасин туркларнинг ғалабаси!

Қаҳр ўлсун, мағлуб ўлсун, ғарбнинг сарватдор жаҳонгирлари!”<sup>9</sup>- каби сатрларни ўқиймиз.

Икки ҳукумат ўртасидаги дипломатик алоқалар эса анча олдинроқ, 1920 йилнинг кишидаёқ бошланган эди. Бу йўналишда ташаббус “Анқара муваққат ҳукумати” томонидан бошланиб, 1920 йил БХСР ҳукумати ташкил топганидан 4 ой ўтар-ўтмас Мустафо Камолнинг ҳукумати БХСРга биринчи бўлиб ўзининг элчиларини юборди. Бухорода биринчи бўлиб хорижий мамлакатлардан Туркия элчихонаси иш бошлайди. Мустафо Камол юборган Туркия элчилари гуруҳига Ғолиб пошо бошчилик қилган. Анқара ҳукуматининг Бухоро Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби, таниқли турк ёзувчиси Рушен Ашраф бўлганди

---

<sup>9</sup> Туркларнинг ғалабаси муносабатила Бухорода байрам //Бухоро ахбори, 103-сон, 1922 йил 19 октябр.

1922 йилнинг март ойида Бухоро Республикасидан Мустафо Камол пошо ҳукумати расмий суратда таниш ва ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун Маҳмуд Назар ҳамда Маҳмуд Ражаб афандилар бошчилигида бухоролик вакиллар Анқарага ташриф буюришди. Бухоро хайъатини расмий равишда “Муваққат Анқара ҳукумати” ташқи ишлар вазирининг муовини Зиёдбек ҳамда хорижий ишлар вакили Юсуф Камолбеклар кутиб оладилар. Турк тарихчиси Меҳмет Сарайнинг маълумотида, Маҳмуд Назар ҳамда Маҳмуд Ражаблар бир пайтлар Истанбулда таҳсил олишган. Меҳмет Сарайнинг ёзишича, улар элчилик вазифасини уддалаб, ортга кайтганларида рус айғоқчилари (большевиклар) томонидан хоинона ўлдирилганлар. Ушбу тафсилотлар тарихий далиллар орқали исботланиш зарур.

БХСРнинг фавқулотда сиёсий вакиллари шарафига зиёфат уюштирилиб, унда Мустафо Камол пошо ҳам шахсан иштирок этган. “Бухоро ахбори” газетасида Туркия ҳукумати бошлиғи Мустафо Камол ҳамда Бухоро вакили Маҳмуд Назар афанди нутқлари тўла ҳолда келтирилган. Мустафо Камол нутқида: “Диндош ва қондош Бухоро халқининг орзусини юзага чиқариши учун бу қардош миллатга ўзимнинг фотиҳамни бераман”<sup>10</sup>, -деган фикри баён қилинган.

Бухоро хайъати вакиллари Мустафо Камол пошога ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида юртимиздан олиб борилган олтин дастали қилич, Амир Темур замонида кўчирилган Қуръони Каримнинг нодир нусхаларидан бирини ҳамда Туркия халқ аскарлари учун Бухоро тасвири туширилган нишонлар тақдим этишди.

Туркияда озодлик йўлида турк зобит ва аскарларигина эмас, хотин-қизлар, болалар ҳам босқинчиларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётганлиги, мустақиллик олий неъмат эканлиги Бухоро халқи томонидан чуқур идрок қилинган. Муҳими шуки, ўз мустақиллиги йўлида кураш олиб бораётган Бухоро Республикаси ҳарбий ва моддий жиҳатдан Туркияга ёрдам беролмаса ҳам, унинг озодлигини бутун вужуди билан қўллаб-қувватлаётганлиги аниқ эди.

Туркияга олиб борилган совғалар орасида юқорида қайд қилинган, шахсан Мустафо Камол пошога аталган олтин дастали қилич билан бирга бир сира кўрк (бухороча сарупо) ва яна икки қиличнинг топширилиши юқоридаги фикримиз тўғрилигини тўла исботлайди. Мустафо Камолга ва унинг шонли ғозий (ғолиб) армиясига аталган қиличлар жасоратга чорлаб, порлоқ ғалабага қадар руҳан тетик бўлишга даъват қилиши ўз-ўзидан аён эди. Икки қиличдан бири қаҳрамон Исмаил пошога ҳадя этилган. Юнонлар

---

<sup>10</sup> Бухоро хайъати Мустафо Камол пошо хузурида //Бухоро ахбори, 77-сон, 1922 йил 4 апрел.

истило қилган Измирни озод қилишда алоҳида жасорат кўрсатган ва шаҳарга душман мудофаасини биринчи бўлиб ёриб кирган отлик қўшин зобити Шерифбейга Бухородан юборилган учинчи қилич насиб этганди. Уни Мустафо Камолнинг ўзи Шерифбей белига тақиб қўйган<sup>11</sup>. Мустафо Камол ушбу совғаларни Бухоро вакилларида қабул қилиб олар экан, аждодлари юрти Туркистонга эътиқоди юксаклигини ўз нутқида ошкор этиб миннатдорчилик туйғуларини баён қилди. Эҳтимолки, ўша оғир дамларда беш миллион аҳолини бухороликларнинг маънавий қўллаб-қувватлаши Мустафо Камолни Туркия озодлиги кураши йўлида қатъиятли бўлишида бир қадар мадад бергандир. Зероки, у аждодлар юрти Туркистонга, яъни илдизга умид кўзлари билан қараган. Чунки илдиз кўкартувчи, яшнатувчи ва юксакликка элтувчи, илҳом берувчи омилдир. Бежиз бу улуғ инсон “биз ҳам Туркистоннинг жужукларимиз (болаларимиз)” демагандир.

“Бухоро ахбори” газетаси ўз саҳифаларида “Шарқ дунёси” рукни остида Туркиянинг истиқлол йўлидаги ғалабаларидан илҳомланганлиги билан боғлиқ бўлган мақолалар эълон қилиб борди. Мақолалардан бирида: «Европа жаҳонгирларининг ҳаракатига маҳкум этилганлиги учун Эрон, Афғонистон, Усмонли (Туркия), Арабистон, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва ислом ўлкалари бир-бирлари билан ҳамсоя бўлғонлари ҳолда мустақил бир иттиҳод (иттифок) вужудга келтириб, ўзларининг истиқлолиятларини муҳофаза қилиб биладурлар. Агарда бу ҳукуматлар орасинда иттифок вужудга келса, ул вақтда фақат ислом оламининг эмас, балки бутун Шарқ миллатининг Ғарбий Европа занжири асоратидан халос бўлиши муқаррар»<sup>12</sup>, - каби сатрларни ўқиймиз.

Туркиянинг Англия сингари қудратли давлатларга қарши Ватан мустақиллиги ва ҳимояси учун кураши газетада жасорат баробар баҳоланиб, унга маънавий ва моддий ёрдам беришга даъват қилувчи талайгина мақолалар бор. 1921-1922 йилларда Бухоро ҳукумати камолчилар инқилоби ғалабаси учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд.

Муҳожир ўзбеклар билан шахсий мулоқотларда Истанбул инглизлар қўлига ўтган бир даврда (1920 йил) юртдошларимиз Анқарага, яъни Мустафо Камол ҳукумати ва ҳарбий қисмлари учун бу шаҳар орқали яширин равишда моддий ва ҳарбий мадад сифатида озиқ-овқат ва қурол-яроғ юбориб, Туркия истиқлолига муносиб ҳисса қўшганликлари ҳам бизга маълум.

---

<sup>11</sup> Mehmet Saray. Milli Mucadele Villarinda Buhara Cumhuriyetinin Turkieye Vardimi. Turkistonda Venilik Hareketleri ve ihtilaller: 1900-1924. Haarlem. 2001: 341, 342.

<sup>12</sup> Туркия-Афғонистон-Эрон орасинда бошланган шартномалар муносабатига Шарқ матбуоти //Бухоро ахбори, 131-сон, 1923 йил 5 феврал.

«Бухоро ахбори»да: «Инқилобий Туркияга ёрдам керак» мақоласи босилиб: «Биз Туркияни озодлик йўлида кураш майдонига кириб, 200-300 кишилиқ аскарлий фирқаларда қўмондонлик қилган турк хотинларини ҳам муҳорабада кўрдик... Туркия халқининг биздан бошқа дўстлари ва хайрихоҳлари йўқдур, Туркияга ёрдам кўрсатмак ва шунинг билан турк халқига руҳ бермак бизнинг қарзимиздур»<sup>13</sup>, - деб ёзилганди.

«Бухоро ахбори»да Туркия Республикасининг биринчи президенти, камолчилар инқилобининг ташкилотчиси ва раҳбари, йирик давлат арбоби, XX аср буюк шахслари қаторидан муносиб ўрин олган Мустафо Камол пошо (1881-1938, 1923-1938) шахсияти ҳамда фаолиятига боғлиқ бир қатор мақолалар чоп этилган. Ҳатто «Озод Бухоро» газетасининг 11(224)-сонида Мустафо Камолнинг қиёфаси акс эттирилган. Газета билан танишар эканмиз, «Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қахрамон - Камол пошо», «Мустафо Камол-Миллат Мажлиси раиси», «Мустафо Камол пошо-Жумхурраис», «Мустафо Камол пошо ва совет раҳбарлари»<sup>14</sup> каби йирик мақолаларда бу шахснинг ҳаёт йўли, сиёсий фаолияти, ҳарбий қўмондонлик маҳорати, Туркистонга муносабати атрофлича баён қилинади. Бу эса Туркиядаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг Бухоро Республикаси матбуоти орқали батафсил ёритилиши билан боғлиқ.

«Ҳозирда, - дейилади газетада, - Камол пошо турк халқи тарафидан эътироф этилган бошлиқ ва Туркия халқининг қимматли раҳбаридур... Шунинг ҳам айтмоқ керакдурким, асрлар бўйича бир-бирига катта душмон бўлиб яшагон Русия ва Туркия муносабатлари ҳозирда Камол пошо сиёсати соясинда ижобийдур».<sup>15</sup>

Бу ўринда Россия ва Туркиянинг XVII-XIX асрларда ўзаро душманлик кайфиятидаги муносабатларидаги асрий қарама-қаршилиқлар, ҳудудий можароларни бартараф қила олган, ўз мамлакати манфаати йўлида рақиб билан ҳам тил топиша оладиган дипломат, давлат арбоби сифатида Мустафо Камолга юқори баҳо берилганлигини идрок қилиш қийин эмас.

Газета мақолаларидан бирида: «Мустафо Камол пошо насл жиҳатидан бир майда хунарманднинг боласи бўлиб, ёши 52 теграсиндадур (атрофидадир)»<sup>16</sup>, -деб ёзилган маълумотни ўқиймиз. Аслида бу ҳақиқатдан йироқроқ бўлиб, Мустафо Камол 1881 йил 10 ноябрда Юнонистоннинг Салоника шаҳрида таваллуд топган. Отаси Али Ризо Афанди ўрмон маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган, кейинчалик божхона чиновниги

<sup>13</sup> С.Қосимов. Инқилобий Туркияга ёрдам керак //Бухоро ахбори, 121-сон, 1922 йил 28 декабр.

<sup>14</sup> Ўша газеталар. 106-сон, 1922 йил 29 октябр. 193-сон 1923 йил 24 август.

<sup>15</sup> Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қахрамони Камол пошо //Бухоро ахбори, 106-сон, 1922 йил 29 октябр.

<sup>16</sup> Ўша газета. 106-сон, 1922 йил 29 октябр.

лавозимида ишлаган. Онаси Зубайдахоним Файзуллоҳ Оқа кизи ҳам бадавлат оиланинг фарзанди бўлган. Мустафо Камолнинг асл исми Мустафо бўлиб, Камол деган номни ўта қобилиятли бўлганлиги учун унга 14 ёшида мактабдаги математика ўқитувчиси берган.<sup>17</sup> Демак, Мустафо Камол биринчидан, ҳунарманд оиласида дунёга келган эмас, иккинчидан эса, газетада таъкидланганидек, 1922 йилда 52 ёшда эмас, балки 41 ёшда бўлган. Холбуки, Мустафо Камол Отатурк вафот этганида, яъни 1938 йилда 57 ёшида бўлган<sup>18</sup>.

Мустафо Камол Отатурк жасур ва бошлаган ишини охирига етказадиган шахс эди. У Туркия истиқлолини ярим йўлда қолишини истамаган, ҳарбийларга хос қатъиятли киши бўлганлиги ҳам манбаларда қайта-қайта таъкидланганди. «Биз ортиқ қурбонлар бера олмаймиз, имтиёзли музокараларнинг давом этиши бизнинг миллий шаънимизга нуқсон келтирадур. Туркия асоратга қараганда урушни ортиқ кўрадур ҳамда шуни давом эттирмақ учун Туркия сўнгги қонига қадар урушга қарор қилди», деб ёзилганди «Мустафо Камолнинг баёноти»да.<sup>19</sup> Бу ўринда токим Лозанна конференцияси (Швейцария, 1923 йил 24 июль)га қадар Туркия мустақиллигини тўла тан олмаслик учун ҳаракат қилаётган Англия, Франция вакилларига ватанпарвар раҳбарнинг муносиб жавобининг гувоҳи бўламиз.

Тарих гувоҳлигича, фақатгина Лозанна конференциясида Антанта давлатлари Туркиянинг мустақиллигини тан олиб, нотенг шартномаларни бекор қилишга мажбур бўлишган эди.

Туркиянинг муносиб йўлбошчиси ва давлат раҳбари Мустафо Камол Отатурк шахсияти «Бухоро ахбори»да фаолият олиб борган ижодкор мухбирларнинг ҳам диққатини тортган. Газетанинг 1922 йил 19 октябридаги 103-сонида Мустафо Камол пошони олқишлаб «Минглар яша!» ғазали босилган. Мазкур ғазалнинг муаллифи Х.Олмош бўлиб, унинг ғазалидан:

«Эй, фидойи Камол пошо

Раҳбарисан мазлумларнинг

Нажоткори шарқиларнинг

Аскарингла минглар яша-минглар яша!»<sup>20</sup> каби сатрларни

ўқиймиз.

---

<sup>17</sup> Қаранг. Эргашев Ф. Янги Туркиянинг отаси //Жаҳон адабиёти, 8-сон, 1998 йил; Абдурахмон Зоҳидий. Мустафо Камол Отатурк //Фан ва турмуш, 1-сон, 2001 йил.

<sup>18</sup> Мустафо Камол Отатурк узок давом этган жигар хасталиги туфайли 1938 йил 10 ноябр пайшанба кунини эрталаб соат 9.05 да Анкарадаги Дулмабоғча саройида вафот этган.

<sup>19</sup> Туркия уришишга қарор берган. Мустафо Камол пошо баёноти //Бухоро ахбори, 129-сон., 1923 йил 28 январ.

<sup>20</sup> Х.Олмош. Минглар яша! //Бухоро ахбори, 103-сон, 1922 йил 19 октябр.

«Бухоро ахбори» газетаси Туркия ва Бухоро ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, қардошлик алоқалари XX аср 20-йилларида ривожланганлиги, айтиш мумкинки, юқори поғонага кўтарилганлиги ҳақида маълумот берувчи қимматли манбалардан биридир. У ҳақиқатдан ҳам «Шарқ дунёси ва Бухоро Республикаси» тарихий тадқиқот муаммосини келажакда ҳал қилиш манбаларидан бири бўла олади. Камол пошо шахсияти масаласига келсак, айни унинг ҳаётлигида туркий халқлар орасидаги ҳурмат-эҳтироми қандай бўлса, ҳозирда ҳам ундан баланддир.

Мустафо Камол бошчилигида турк халқи ғалабага эришди. Шарқ дунёсида биринчи бўлиб Туркияда республика тартиби ўрнатилди. Камолчилар таълимоти ўзини оқлади ва ҳақли суратда 1934 йилдан эътиборан турк халқи ўз йўлбошчисига Отатурк (Турклар отаси) унвонини берди.

XX аср буюк шахслари қаторидан Мустафо Камол номи мустаҳкам ўрин олди. Мустафо Камол Отатурк билан Бухоро Республикаси вакиллари учрашган тарихий санадан ҳам юз йилликнинг 4-чораги ўтиб бормоқда. Туркия халқи Отатурк номини абадийлаштириш учун унинг жасади қўйилган пойтахт Анқарада этнография музейини ташкил қилишган. Музейда Мустафо Камол Отатурк ҳаёт йўли ва фаолияти билан боғлиқ юзлаб асори-атикалар, буюмлар, китоб ва нашрлар, ҳарбий кийим, қурол-яроғ кабилар қўйилган. Улар орасида бухороликлар томонидан Туркия раҳбарига ҳадя қилинган нишонлар ва буюмлар ҳам бор. Бу эса халқларимиз ўртасидаги синовдан ўтган мустаҳкам қавм-қариндошлик, олтин сингари зангламас дўстона алоқаларнинг умрбоқийлигидан далолатдир.

Республикамиз истиқлолга эришган дастлабки кунларда Мустафо Камол васиятига содиқ бўлган камолчиликнинг 6-босқичида ривожланиш йўлидан кетаётган Туркия ва унинг марҳум президенти Турғут Озал юртимиз келажакига ишонч билан қаради ва бизни 1991 йил 16 декабрда расмий жиҳатдан биринчи бўлиб тан олган давлат ҳам Туркия Республикаси бўлди.

Туркия Республикаси шаклланмаган, «Анқара ҳукумати» мавжуд бўлган йилларда бу юрт мустақил бўлишига ишонч билан қараган Бухоро ҳукумати кўрсатган қатъият ва ишончни салкам бир асрча вақт ўтганидан сўнг Туркия ҳам Ўзбекистон келажакига олдида масъуллигини англаши табиий эди.

Ҳозирда халқаро муносабатлар зиддиятли, мураккабликларга тўла, хуллас, қандай бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир.

Турклар йўлбошчиси ва раҳнамоси шахси билан боғлиқ масалага баҳо берганда эса Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримовнинг



«Мустафо Камол Отатурк нафақат қардош турк халқининг, балки барча туркий халқларнинг буюк фарзанди ва ифтихоридир»,-деган фикрлари айна ҳақиқатдир.

**3. Мавзуни мустаҳкамлашда янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш:** Мазкур мавзуни ўтишда ўқитувчи юқорида келтирилган қўшимча материалларни янги педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқув машғулотига жорийлангирса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тарих фани ўқитувчисига “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусидаги дарсни мустаҳкамлаш қисмида кўйидаги интерфаол усуллардан фойдаланишга тавсия берилади.

“Концептуал жадвал” дастури орқали “1918-1939 йилларда Туркия” мавзусидаги муаммоли воқеликларнинг сабаб ва омиллари, унинг ечими, тегишли якуний хулосалар асосида амалга оширилади. “Венн технологияси” асосидаги қиёслаш услуби орқали “Туркия” ва “Эрон” давлатларига хос бўлган умумий белгилар таҳлил этилиши, “Т-чизма” усули билан М.Камол ҳукумати олиб борган сиёсатнинг ижобий ёки салбий томонлари изоҳланиши, “Кластер” усулига “Европача ислохотлар” тушунчасини кенгроқ мулоҳаза қилиниши, шунингдек, ўйинли педагогик технологиялар ҳисобланган “5 дақиқа”, “Почта”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Ақлий ҳужум”, “Қарорлар шажараси”, “Мўъжизалар майдони”, “Заковат” кабиларни дарс жараёнида самарали қўлласа ўқувчилар фаоллиги янада ошади.


#### **Интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича тавсиялар:**

Ўқувчилар 4 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади

**1-гуруҳ учун топшириқ:** “Концептуал жадвал” орқали муаммоли воқеликларнинг сабаб ва омиллари, унинг эчимини изоҳланиши керак. Тегишли якуний хулосалар эса ўқитувчи томонидан амалга оширилади.


Муаммонинг мазмуни	Сабаб ва омиллари	Муаммонинг ечими	Хулоса
1. Қандай омилларга асосланиб, Туркия давлат сифатида парчаланиб кетмади?			

**2-гурух учун топширик:** Ўқувчиларга “Кластер” дастури орқали ўрганилаётган мавзудаги “Европача ислохотлар” таянч тушунчаси бўйича янги маълумотларни қайд қилиш вазифаси берилади. Ўқитувчи томонидан мазкур тушунчанинг моҳияти хулосаланади.



**3-гурух учун топширик:** ўқувчилар “Т - чизма” орқали ўрганилаётган мавзуга тегишли тарихий шахслардан бири Р. Пуанкаре фаолиятига оид жиҳатларни таҳлил этадилар. Ўқитувчи ушбу шахс фаолиятидаги муҳим хусусиятлар бўйича умумий тавсияларни беради.

Мустафо Камол қандай давлат арбоби бўлган?



**4-гурух учун топшириқ:** ўқувчилар “Венн диаграммаси” орқали Туркия, Эрон, Афғонистон муштамлака-тобелик тизимиға хос умумий белгиларни қиёсий таҳлил қиладилар. Қўйилган масаланинг ўзаро боғлиқлигини хулосалаш ўқитувчи томонидан амалға оширилади.

1)\* Туркия 2)\* Эрон 3)\* Афғонистон



**ТАРИХ ФАНЛАРИ МАВЗУЛАРИНИ ТАКРОРЛАШ ВА ХОТИРАНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН ТАВСИЯЛАР**

ДАСТУР НОМИ	ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ДАСТУР НОМИ	ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ
1.“X , Y, Z” дастури	Тарихий шахс номи, атама, ҳудудлар ўрниға “X, Y, Z” ҳарфлари ишлатилади.	6.“Мен таниган, ҳурматимға сазовор бўлган тарихий шахслар. Булар ...”	Мазкур дастур қайд этилган мавзу доирасида ишланади. 3 нафар тарихий шахсларнинг фаолиятиға оид фикрлар билдирилади ҳамда мантиқий боғлиқлик инобатға

			олинади.
2. “Рақамлар адашди” дастури	Тарихий сана, яъни йил ҳисоби жойи ўзгартирилиб берилади.	7. “Мени тўлқинлантирган ва ҳаяжонлантирган муҳим тарихий воқеликлар. Булар...”	Мазкур дастур қайд этилган хронологик давр доирасида ишланади. 3 та қайд орқали инсоният тарихида муҳим ўзгаришлар, ихтиролар, кашфиётларнинг мантиқий боғлиқлиги бўлиши зарур.
3. “Тест ва ёзма иш муҳокамаси” дастури	Тест ва ёзма ишда нечта йил, нечта шахс, нечта атама ишлатилганлиги муҳокама қилинади.	8. “Шартнома, битим, сулҳ, конгресс, анжуман”лар дастури	Мазкур дастур орқали барча дарсликлар матнида қайд этилган шартнома, битим, сулҳ, конгресс, конвенция, анжуманларнинг ўтказилган вақти, мақсади, қаерда ва қайси давлатлар қатнашганлиги топилади.
4. “Т-чизма” дастури	“Т” ҳарфи доскага чизилади. 2 та шахс ёки 2 та давлатга мос келувчи маълумотлар билан тўлдирилади ҳамда ижобий +, салбий – белгилари қўйиб борилади.	9. “Пойтахт” дастури	Бу дастур орқали пойтахтларда юз берган муҳим воқеликлар ҳамда уларнинг кўчиши билан боғлиқ маълумотлар ишланади

5. “Тўрт устун” дастури	1) сана, 2) шахс, 3) атама, 4) ҳудуд устунларга ёзилади. Навбатдаги ўқувчи жавоб беради ва яна устунни тўлдиради	10. “Беш йиллик” дастури	Мазкур дастурда белгиланган 5 йилликлар хронологик чегарасида тарихий воқеликлар қайд этилади.
----------------------------	--	-----------------------------	--

### **Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Биринчи жаҳон уруши Туркия учун қандай оқибатларга олиб келди?
2. Нима учун Греция Туркия ҳудудларига ҳарбий ҳаракатлар олиб борди?
3. Грециянинг Туркия ҳудудларига нисбатан ҳарбий ҳаракатларига қайси давлатларда норозилик содир бўлди?
4. Грециянинг Туркия ҳудудларига нисбатан ҳарбий ҳаракатларига БХСР ҳукумати ва расмий матбуоти қандай муносабатда бўлган?
5. М. Камол ҳукуматининг ғалабасини таъминлаган қандай омиллар мавжуд?

### **Хулоса ва тавсиялар**

Мавзу бўйича хулосалар шундан иборатки, ўқувчиларга “1918-1939 йилларда Туркия” мавзуси юзасидан билим ва кўникмалар ҳосил қилиш билан бирга, уларга янги билимлар берилади, илмий тушунча ва тасаввурлари кенгайтирилади. Мазкур мавзунини ўқитиш орқали ўқувчиларни тинчлик ва унинг кадр-қимматини теран англаш, ҳар қандай ёт унсур ва ғояларга қарши туриш, мустақиллик учун кураш руҳида тарбиялаш назарда тутилади. Бугунги авлодда мафкуравий иммунитет, қатъий ирода ва келажакка ишонч руҳини тарбиялаш мақсади кўзланганлиги ҳам мавзунинг тарбиявий аҳамиятини оширади.

Икки жаҳон уруши оралиғида Туркия тарихини ўрганиш учун маҳаллий матбуот материалларидан фойдаланишнинг амалий аҳамияти қуйидагича:

Биринчидан, Туркия тарихи (1918-1939 йиллар)ни ўрганишга қаратилган кўшимча адабиётлар доираси кенг, улардан танқидий ва ижодий таҳлил асосида фойдаланиш албатта, ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, дарснинг самарадорлигини оширишда Туркия иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига оид маълумотларни ўқувчиларга ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, тарихий изчилликда ва тизимли равишда дарс жараёнига жорий қилиш керак бўлади.

Учинчидан, “1918-1939 йилларда Туркия” мавзуси ҳақидаги билимлар билан боғлиқ жиҳатларини қайд этиш, ўқувчилар онгига сингдириш орқали турк-ўзбек дўстлиги тарихининг илдизлари ҳақида уларда кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш зарурдир.

Тўртинчидан, мазкур мавзуни ўтишда инновация, янги педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари кенг, буларни дарс жараёнига олиб кириш ўқитувчидан ижодкорлик ва педагогик маҳорат талаб қилинади.

Икки жаҳон уруши оралиғида Туркия тарихини ўрганиш учун маҳаллий матбуот материалларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари бўйича кўйидагича таклиф ва тавсиялар билдириш ўринлидир:

1. Ушбу мавзу юзасидан яратилган ўқув намунавий дарс ишланмасини ижодкор тарих фани ўқитувчилари орасида тарғиб қилиш ва бу орқали уларнинг фикр - мулоҳазаларини олиш;

2. Мазкур мавзу асосида янги ташкил этилган Туркия Республикасининг ўша давр тарихий-географик харитасини яратиш орқали истиқболда масала моҳиятини янада кенгроқ ўрганиш;

3. Икки жаҳон уруши оралиғида Европа ва Осиёнинг бошқа мамлакатлари тарихига оид ўқув намунавий дарс ишланмаларини яратиш бориш;

4. Пировардида, жаҳон тарихининг намунавий дастур асосида ўрта махсус ўқув юртлирида ўтиладиган мавзуларида яратилган намунавий дарс ишланмаларини интернет сайтига киритиб, тарих фани ўқитувчилари фойдаланиши учун имкон яратиш.

5. Мазкур қўлланма асосидан келиб чиқиб, бошқа давлатлар (Эрон, Япония, Афғонистон ва ҳоказо)нинг мазкур давр тарихини ўргатишга оид қўшимча ишланмаларни ҳам яратиш мумкин. Чунки бу каби ишланмаларнинг бугунги кунда академик лицейлар ва касб-ҳунар таълим муассасалари тарих фани ўқитувчилари учун аҳамиятли томони шундаки, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб АЛ ва КХК талабаларининг “Жаҳон тарихи” (М.Лафасов муаллифлигида) дарслиги<sup>21</sup> тамойилдан чиқарилиб, ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун “Жаҳон тарихи (1918-1991 йиллар)” номли дарслиги<sup>22</sup> ўқув жараёнига жорий этилгач, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида 80 дақиқага асосланган узлуксиз машғулоти олиб бориш учун ўқитувчи албатта, қўшимча материалларга мурожаат қилишга мажбур

---

<sup>21</sup> Лафасов М. Жаҳон тарихи: Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. –Т.: “Турон - Иқбол”, 2016. -400 бет.

<sup>22</sup> Жаҳон тарихи [Матн]: ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун “Жаҳон тарихи (1918-1991 йиллар)” дарслиги /Ш.Эргашев, Б.Ходжаев, Ж.Абдуллаев. –Тошкент: “Турон-Иқбол”. 2017. -144 бет.

бўлади. Ушбу қўлланмалар эса методик ва педагогик бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

### **Иловалар**

**«Бухоро ахбори», 21-сон, 1921 йил 27 январь.**

***Туркия вакили Абдулрахмонбек Бухорога келди***

Анатолия ҳукумати томонидан Афғонистон ҳукуматига вакил ўлароқ юборилган Абдулрахмонбек 13 январь Маскавдан чиқиб, Бухорога келибдур. Ваалҳол, Бухоро шаҳринда мусофир бўлинмоқдадур.

### ***Зиёфат.***

21 январь жума куни кечқурун Анатолия ҳукумати томонидан Афғонистон ҳукуматига вакил ўлароқ юборилган Абдулрахмонбек шарафиға хорижия назоратида бир зиёфат ташкил қилинди.

Ўшал зиёфатда Х.Н.Ш. раиси ва хорижия нозири ўртоқ Файзулло Хўжа билан барча нозирлар ва Русия шўролар ҳукуматининг Бухоро вакили ўртоқ Ҳақимов, марказий инқилоб қўмитаси раиси ўртоқ Мирзо Абдулқодир, амнияти умумия мудирлари Али Ризо, ҳукумат нашриёти номидан Сурайё ўртоқлар ва ўзга ҳукумат маъмурлари ҳозир бўлғонлар.

Абдулрахмонбек меҳмондорчиликка ўртоқ Ҳошим Шойиқ билан бирга соат 7 да келди. Ташриф этувлари билан милициялар томонидан маросим русумлари тақдим этилгандан сўнгра ўлтирилди. Шу аснода муסיқанинг бошланиши бир муддат сукут билан вақт ўтқарилувини мавжуд қилди. Вакилнинг ўнг томонини ишғол этган, Русия вакили Ҳақимов ва Х.Н.Ш. раиси Файзулло Хўжа ўртоқлар билан чап томонидан ўрин олган марказий инқилоб қўмитаси раиси ўртоқ Абдулқодир, қаршиларинда бўлганлар Бухоро иштирокиюн фирқасининг марказий қўмита раиси Арслон Хўжа ўртоқ ва унинг вакили бор эди. Абдулрахмонбек билан бошланган суҳбат жуда самимий равишда ўтди. Ушбу самимият ҳар икки тарафни орасидаги чин ва дўстлик муносабатини исботидан бўлса керак. Сўнгра музиқанинг жўш оҳанглари орасинда таомлар тановул этилди. Х.Н.Ш. раиси Файзулло Хўжа, Ҳақимов, Арслон Хўжа, Абдулқодир ўртоқлар томонидан Анатолия ҳукумати билан Бухоро ҳукуматлари бир нуқтада манфаатлари жам ва бу юзада мазкур ҳукуматлар орасидаги дўстона муносабатнинг давом ва тараққий эттириб, деҳқон ва меҳнатқашларнинг бундан сўнгра Ғарб жаҳонгирларининг бўйруқлари остида қола олмаслиги тўғрисида айрим қисқа ва лекин жуда таъсирли нутқлар сўйланди. Ундан сўнгра, Файзулло Хўжа томонидан Абдурахмонбекка сўз сўйланув учун берилди. Абдурахмонбек Анатолия ҳукумати номига изҳор қилинган меҳмондорчиликдан ёш Бухоро ҳукуматига чин кўнгилдан ўз ҳукумати

номидан ташаккур баробаринда икки давлат орасинда самимий ва дўстона муносабатларнинг давом этишини барча Анатолия халқининг орзу ва талаби номидан сўз айтиб, Русия шўролари мавжуд бўлган иттифоқдан ҳосил бўлатурғон манфаатлар ҳаммамиз учун фойдали бўлувини билдирадур. Бир муддат нутқлардан сўнгра мусиқа билан маросим тугади.

### **“Бухоро ахбори”, 103-сон, 1922 йил 19 октябрь.**

#### ***Туркларнинг ғалабаси муносабатила Бухорода байрам***

12 октябрь, пайшанба куни эрта билан соат 9 да Бухоро Халқ Жумҳуриятининг Марказий Ижроия кўмитасининг қарорига мувофиқ, Яқин Шарқда турк-юнон уруши майдонида, дин ва қон-қардошларимиз ҳамда маслакдошларимиз-турк аскарларининг инглизларнинг малайи юнон аскарларига қарши шонли ғалабалари муносабатила, хийла шодлик ва хурсандлик билан байрам қилинди.

Хусусан, ушбу кунда инқилобий Бухоро жумҳуриятининг озод халқи, Бухоро шахрининг марказий жомеъ шарифи-Масжиди Калонга бошқа ҳукумат маъмурлари ўлароқ, ислом руҳонийлари билан бутун Бухоро шахридаги мактаб талабалари: бошида маориф нозири биродар Қори Йўлдош ҳамда муаллимлари ила, бирликда ҳар хил ранглар билан зийнатланган байроқларини кўтарган ҳолда, мусиқа чолароқ, соат 9 атрофларинда Масжиди Калонга ташриф қилдилар.

Соат 9 ярим атрофларинда ушбу жомеъ шарифда мазлум шарқлик мусулмон турк миллати ва хусусан ғарбнинг асоратида қолғон шарқлиларнинг озодлиги йўлида, душман юнон аскарларига қарши кураш майдонида, шахид тушган қаҳрамон турк аскарлари руҳига хатми Қуръон ўқулиб, дуолар қилинди.

Турк шахидларининг руҳига хатми Қуръон ўқилганидан сўнг, маориф назорати мусиқа ҳайъати тарафидан ниҳоят даражада оҳангли мотам мақоми чалинди.

Бундан сўнг Масжиди Калондан чиқиб, шаҳарнинг машҳур дастаси (посад)да митинг бошланди.

Муқим Каримов митингни очди. Халқ Нозирлар Шўросининг муваққат раиси Ато Хўжа ва Марказий ижроия кўмитаси раиси биринчи муовини Аминовлар навбат билан сўзга чиқдилар.

Булардан кейин Русия сафири Фонштейн гапирди. Ундан кейин ҳарбия шўроси аъзоси ўртоқ Березин табрик сўйлади. Митинг шу ерда тамом бўлғони билан биродар Ғиёсиддин тарафидан Туркия ҳукумати номига табрик телеграмма юборилувга таклиф этилди. Митингда иштирок этган



одамлар бир оғиздан юборилсун деб қабул қилғондан кейин, қўйидаги телеграмманинг маъноси халққа ўқилиб, қабул қилинди.

Телеграмм бундан иборат:

“Туркия миллий мажлиси раиси Мустафо Камол пошо ҳазратларига! Душманни тор-мор қилиб, буюк майдон муҳорабада Туркиянинг манфаатини ҳал этиб, ушбу порлоқ тарихий ғалабангизни 3 миллион нуфузунда бўлгон ва икки йилдан буён сизни жаҳонгир сармоядорларини бир ёқлик қилишингизни тилоғон Бухоро халқи номидан самимийликдан табрик этадур, олқишларла ушбу шодлигингизга шерик бўламиз. Сизнинг ғалабангиз муносабати билан бутун Бухоро аҳолиси ва инқилобий шўролар ҳукумати 12 октябрда ўзини маъмурлари, илмийлари, талабалари билан буюк бир митинг тартибила ўтказди. Аҳолимизнинг руҳли шодлиги мақсади ила Бухоронинг Масжида Калонида хатми Қуръон ўқилиб, шаҳидларнинг руҳига ҳадя этди.

БХШЖ туркларнинг порлоқ натижаларини, қатъиянгизни бутун хаяжон ва интизор этмакдадур.

Яшасин туркларнинг ғалабаси!

Қаҳр ўлсун, мағлуб ўлсун Ғарбнинг сарватдор жаҳонгирлари”.

**“Озод Бухоро”, 13 (226)-сон, 1923 йил 17 ноябрь.**

***Мустафо Камол пошонинг жавоб телеграми***

Туркияда Жумҳурият эълон қилиниши муносабати билан қилинган табрикномангиз учун Туркия халқи ва ҳукумати номидан чин кўнгилдан раҳматлар ўқийман. Туркияда жумҳурият эълон қилиниши, ўтган кунларда мамлакатимизнинг бошига шунча кўп фалокатлар келтирган истибдод идорасига хотима берилуви ва турк миллатига ўзининг турмушини ва тақдирини четлиларнинг аралашмоғидан бошқа ҳал қилишга имкон берди. Маним раис жумҳур қилиниб сайланмоғим муносабати билан сиз маним табрик қилмоғингиз ва маним ҳақимда сизнинг фикрларингиз менга жуда таъсир қилди.

Икки халқ ва ҳукумат дўстлик муносабатларининг узилмаслиги ҳақида сизнинг фикрингизга қўшиламан ва ўйлайманким, бу дўстлик борғон сари кучайиб, икки давлатнинг тараққий қилмоғини ва икки халқнинг саодатига ёрдам берар.

**«Бухоро ахбори», 77-сон, 1922 йил 4 апрель.**

***Кўздан узоқ қалбан яқин қардошларимиз билан муносабат. Шарқдан***

***келган 5 миллион қардошимизнинг товуши***

***Бухоро ҳайъати Мустафо Камол пошо ҳузурида***

*(Анатолияда нашр қилинатургон «Янги кун» газетасидан айнан)*

Бухоронинг муҳтарам вакиллари Мустафо Камол пошо ҳазратларининг расмий суратда зиёрат этув учун шу яқин кунларда шаҳримизга келдилар. Анатолияни шарафлаган 5 миллион миллатпарвар қардошимиз бўлмиш бухороликларнинг муҳтарам вакиллари Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражаб афандилар ғози раисимиз Камол пошо ҳазратларини расмий суратда зиёрат этдилар. Муҳтарам вакиллар соат 3 ларда хорижия муовини Зиёдбек билан биргаликда буюк миллат мажлисига келдилар. Мунтазам бир фирқа аскарлар тарафидан саломларни қабул этиб, миллат мажлиси ҳайъат раёсатининг махсус биносида бўлгон миллат мажлиси раиси Камол пошо ҳузурига этилдилар. Камол пошо билан вакиллар учрашувига Анатолия хорижия ишлари вакили Юсуф Камолбек ҳам иштирок қилган. Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражаб афандилар билан Камол пошо орасида суҳбат ниҳоят даражада самимий бўлди. Бухоро вакиллари суҳбат асносида Камол пошога Бухоро халқининг Турк ислом қардошларига маданий ўлароқ қимматли осори-атиқадан бир Қуръони Карим ҳамда Измир шаҳрини фатҳ этиб турк байроғини ўша ерда кўтарган қўмондонга бир қилич тақдим этганлар. Ҳамда Камол пошонинг ўзига махсус бошқа бир қилич билан бир адад кўрк ҳадя қилиниб берилган.

БХШЖнинг фавқулотда сиёсий вакиллари шарафига зиёфат берилиб, ўша зиёфатда биринчи вакил Маҳмуд Назар афандининг нутқи ва миллат мажлиси раиси Камол пошонинг жавоби нутқларини куйида баён қиламиз.

*Бухоро фавқулотда сиёсий ҳайъати биринчи вакили*

*Маҳмуд Назар афандининг нутқи*

Бухоронинг 5 миллионлик аҳолиси ва халқ ҳукуматининг ижроия кўмитаси, нозирлар шўроси тарафидан Туркия буюк мажлисини ҳамда бош кўмондонни саломламоқ шарафига етишганлигим учун ўзимни бахтиёр санайман. Бухороликлар шарқлик бўлганликлари каби турк қардошлари ислом мамлакати бўлгани учун асрлардан буён исломиятнинг муҳофазаси бўлган турк қардошларимиз билан маънавий муносабатлар биз учун қутлидир. Дини бир бўлгон қардошларнинг бошқа шарқлилар каби ҳозирга қадар бир-бирларига қўлларини узата олмаганликларига сабаб, жаҳонгирларнинг тутқунлари, сиёсат малъумлари эди. Чунки малъумлар

Шарқ халқларини бир-бирдан айирмоқ, асир этмоқ ва эзмоқ тилагинда эдилар. 15-20 йилдан буён дохилда ва хорижда душманлар билан чолишган Бухоро тараққийпарвар ёшлари Шарқ инқилобчиларининг ёрдами билан золим ва мустабид ҳукуматни йиқитди.

1337 йилнинг тарихинда Бухорода Халқ Жумҳурияти асосида ҳукумат тузилиб, истиқлолияти ҳам тасдиқ қилинди. Асрлардан буён буюк қардошлари Туркия ҳукумати билан расмий суратда муносабатга имкон топа олмаган Бухоро вакиллари бу кун ўзларини Анқарада Туркия буюк мажлиси ҳукумати раисини зиёрат қилувига мушарраф бўлдилар.

Бухоро халқи тарафидан турк ва ислом қардошларига маданий ўлароқ, бу асбоблардан бошқа буюк бир нарса бўлмаслиги сабабли осори-атиқадан Қуръони Каримни миллатнинг истеъфодасига эҳтиром этаман. Ҳамда қаҳрамон ғозийлар салоҳидан бошқа бир ушламоқлари учун Бухоро атрофидан сизга маданий ёдгорлик қабул этмагингизни тилайман. Ҳамда миллий ва соғлом бир иймон билан чолишган ғирот соясинда қаҳрамонлик кўрсатиб, миллатингизни қоронғуликдан чиқардингиз. БХШЖ номидан табрик этмак билан баробар шу омонат қилични тақдим этамиз, иншооллох, энг яқин бир замонда муҳофаза ҳамда қатъий бир машфаратга эришмоқ учун ёхуд қатъий айтганда, турк байроғини баланд кўтарганда буюк қўмондонга шу омонат қилични тақдим этмакнида истайман.

*Раиси ғозий Мустафо Камол пошонинг нутқи жавоби*

Бухоро фавқулотда сиёсий вакиллари Бухоро Халқ Жумҳурияти аҳолиси ва халқ ҳукуматининг ижроия кўмитаси ҳамда Халқ Нозирлар Шўроси номидан келган ҳайъати мухтарамларига Туркия аҳолиси ва Туркия миллат мажлиси, унинг ҳукумати номидан баёни хуш қиламан. Бухороликларнинг миллатимиз ила шарқий вилояти бир бўлган ҳолда шу кунга қадар икки орада яқин бир муносабатда бўлинувга золимларнинг манфаатлари тўғри келмас эди. Қаҳрамон Туркия аскарларининг бир улуши Шарқ инқилобини вужудга келтириб, мазлум шарқликларни кундан-кун соғломлашган эслар билан боғламоқдадур. «Ҳар миллатнинг ўз миқдориятини ўзи ҳал қила билмак» ҳуқуқини фақат назоратда эмас, фаолиятда танитган Русия инқилобининг мафкурапарварлари соясинда бу кун Русиянинг манфаати бўлган мустақил Бухоро жумҳурияти хорижий муносабат ҳуқуқини истеъмомл этиб биринчи даъфа ўлароқ, вакиллар ҳайъатини Туркияга юборгани учун Туркия буюк миллат мажлисининг раиси сифатида Бухоро жумҳуриятига ташаккур этаман. Бухоро аҳолисининг Туркиядаги турк ва мусулмон қардошларига маданий ўлароқ юборган Қуръони Карим билан Туркия халқ аскарларига нишон ҳамда қилич биз учун

икки ёдгордир. Буларни кўлингиздан олганим ҳолда ҳаяжон билан тўлиб тошдим. Халқимиз ва аскарларимиз биздан узоқдаги қардошларимиздан келган шу табрик нишонларидан шубҳасиз хийла кўп масрур бўлғусидур. Диндош ва қондош Бухоро халқининг орзуси юзага чиқишида бу қардош миллатга ўзимнинг фотиҳамни бераман.

Оллоҳнинг инояти билан зафарли машфаратлар қозонган миллий аскарларимиз, иншооллоҳ, яқин бир фурсат ичида буюк ғалабалар қозонғусидур. Ҳайъати муҳтарамларга Туркия аҳолиси, аскарлари, Туркия буюк миллат мажлиси ҳамда ҳукумати номидан ташаккур.

### **“Бухоро ахбори”, 122-сон, 1922 йил 31 декабрь.**

#### ***Усмонли туркларнинг бу кунги ҳоли.***

Бухоро халқ маориф назорати тарафидан шу йилнинг 2 январидан Туркияга 25 нафар талаба юборилганлиги, вақти билан газетамизда ёзилиб эди. Шунинг билан бирга мазкур талабаларни элтиб кўймоқ учун халқ маориф назоратининг нозири муовини Исмоил Афанди Садирнинг Туркияга сафар этганлиги ҳақида ҳам доимий ўқувчиларимизнинг хабари бордур.

Мана шу ойда Исмоил Афанди ўзига топширилган ишларни бажариб Бухорога қайтди. Маълумки, бу кун бутун дунё иккига айрилиб, бириси иккинчисига муқобала этар, ул айримликларнинг бириси Англия, Франция, умуман Антанта ҳукуматларидан иборат бўлса, иккинчиси Русия ва унинг дўст жумҳуриятларидан иборат. Биринчисининг мақсади- мустамлакачилик, кучсизларни таламоқ, Шарқ халқи ва мусулмон оламини жабрламоқ билан баробар. Уларни миллий иқтисодий ва сиёсий асоратда тутмоқ. Иккинчисининг тилаги эса, биринчиларидан тамоман хилофиға бўлиб бутун мустамлакачилик ва ҳар хил асорат ва жами адолатсизликларни маҳв қилмоқдур, жуда кўп вақтдан буён қонхўр мустамлакачиларнинг оғиз сўлақларини оқизиб келган «Шарқни битирмоқ масаласи» ишига сўнгги вақтларда мазкур икки қувватнинг қатъий ва энг кескин кураш тарозисига солингандур. Фақат шу қадрият бордурки, бу тузум ҳозир: Русия, Туркистон, Қозоғистон, Хива, Бухоро ва умуман шўро жумҳуриятлари тупроғинда эмас, ана энди қонли қўлли Антанта жаллодлари усмонли туркларни ва исломият оламининг энг муқаддас жойларини ҳам Шарқнинг юрагига этиб кўйдилар. Бунинг натижасида бу кун: Туркия, Ҳиндистон, Форс, Миср ва шунга ўхшаш бошқа мазлум ўлкаларнинг золим камбағаллари шунинг учунки, туркларнинг маҳкум халқ тарафдори инқилобчи ёшлари Истамбулни ташлаб чиқдиларда, Анатолияга бориб ёш ва одил «Анқара ҳукумати»ни туздилар ҳамда

бошларинда Мустафо Камол пошо бўлгани ҳолда улар бу кун озодлик байроғини бутун золим жаҳонгирлари билан урушда давом этадурлар.

Ҳар нечукда бўлмасун, Туркиянинг бу кунги аҳволини билгимиз учун ва юқоридаги бутун асосларни эътиборга олиб, «Бухоро ахбори» газетаси исмидан мен бундан икки ҳафта муқаддам Исмоил афанди билан муҳоҳада ясаб эдим. Бу муҳоҳабдан кейин кичик бир вақт ўтиб кетган бўлсада, аҳамияти ҳамон йўқолмаганлигидан, савол ва жавоб тарзида Исмоил Афандидан олган маълумотимни ўқувчиларимиз билан ҳам ўртоқлашмоққа тилайман.

Исмоил Афандидан олган маълумотларимнинг хулосаси бундан иборатдур:

“Ботуми орқали Усмонли тупроғига чиқиб, Самсун номли турк шаҳрига етканимиздан кейин, мазкур шаҳарда 2-3 кун истиқомат қилдик. Бу шаҳарда, бизни маҳаллий турк ҳукумати ғоят даражада яхши қабул этди. Бизнинг шарофатимизга бир қанча жойларда зиёфатлар ясалди ва ҳар хил муҳим ижтимоий масалаларда фикр алмашдик. Айниқса, мажлисларнинг бирида «Анқара ҳукумати»нинг доҳилия нозир Фатҳбек билан кўп сўйлашиб, англашмоққа тўғри келди. Мисол, Бухоронинг бугунги илмий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини тафсилоти билан сўйлаганимиздан сўнгра, мазкур Фатҳбек мутаъсир бўлган ҳолда Русия буюк инқилобининг натижаларини таъқиб қилиб борганлигини англади. Идил, Уралбўйи, Қрим, Туркистон, Хива ҳамда Бухоро мусулмон камбағалларининг бу кунги мустақил ҳаётларига туркларнинг кўп умид билан қарамоқларини маълум этди. Бухоронинг ҳозирги мустақил ҳаётига тўхталиб бу ҳақда ўзининг ва бутун турк камбағалларининг кўп хурсанд эканликларини билдирди. Самсун шаҳрида эканмиз тегишли жойлар билан хабарлашганимиздан сўнгра, талабаларимизнинг бир бўлагини Трабзун Султониясига, 2 чи бўлагини эса Костомира вилоятининг дорулмуаллимига бериш маслаҳат кўрилиб эди. Шулар бу хусусидаги лозим амалиётни ижро қилиб ниҳоят Костомира вилоятига кетдик.

Костомира вилоятида ҳам биз мусофирлар яхши қарашилдик, фақат шуниси таассуфки, мазкур вилоятда борганимизда, автомобилдан йиқилиб иккита талаба билан биргаликда мен бир оз саломатлигимизни йўқотиб эдим. Шунга биноан 2-3 ҳафта қадар хастахонада ётдим. Хастахонада вақтимда ҳар хил маориф ходими ва турк талабаларининг ёнимга келиб саломатлигимни сўрамоқлари жуда маним ва талабаларимизнинг бутун ёрдамларга тайёр турганлари ҳолда жами усмонли ёшларнинг бизга самимий қардошлик кўрсатмоқлари аёни ташаккурдур. Мана шундоқ дўстона муомала ҳар жойда бизни фавқулотда буюк маънавият билан қаршилаган узоқдаги

турк кардошларимизнинг Бухоро ҳукуматига дўстлик кўзи билан қараб турмушимизга яхши муносабатда бўлганликлари ҳар бир ҳаракатларидан кўриниб турадур. Талабаларимизни мактабларга кирмоқларига ҳеч бир монелик бўлмади.

Хорижга юборилувчи талабаларимизни бундан кейин ҳам яхши тайёр қилиб юборувда бўлмасак, бу йўлда сарф этган куч ва ҳаракатларимизнинг натижа бера билмаслигини ҳозирдан тушуниб турмоғимиз лозимдур. Мактаблар ҳаёти Туркияда бир миқдор тайёрроқ рамкада бўлмоғи Бухорода бекорсоз юриб ўрганган талабаларимизга қисман оғир кўриниши ва унинг натижасида ёшларимизнинг жиззаки қилиқларига йўлиқишлари эътиборга олинмаганда, талабаларимиз умуман руҳли қолдилар. Турк талабалари билан муносабатлари ҳам том маъносинда.

Анқара ҳукуматига 4 саналик санадларни топширганимиз ҳолда, мазкур ёш ҳукуматнинг собиқ маориф нозири Ҳамидулла Субҳи афандига қолдирдик”.

**“Бухоро ахбори”, 131-сон, 1923 йил 5 февраль.**

***Туркия-Афғонистон-Эрон орасида боғланган муҳоҳаба муносабати билан Шарқ матбуоти***

Эронда нашр этилатурғон “Фикри озод” газетасининг 44-сонида “Турк-афғон” сарлавҳаси остида ёзилғон бош мақолада шундай ёзиладур: “Агарда тарих саҳифаларига дуруст диққат этилса, Кожария салтанати ташкил этилишига қадар, Эрон-Усмонли, Эрон-Афғонистон орасида воқе бўлғон қонли урушларни таҳқиқ қилдикда, ислом ҳукуматлари орасида сиёсий муносабатларнинг вужудга келмаганлиги англашиладур.

Шу сиёсий муносабатларнинг бўлмағонлиги сабабли душманлар фурсатдан истеъфода қилиб, ислом миллатлари орасида нифоқ ўтини ёндириб, бутун шон ва шарафимизни йўқотдилар. Аҳли салиб можароси вақтида ислом душманлари устига кўтарилган қиличлар, бир оз вақт ўтмадики, мусулмонлар шу қиличларини ўзларининг қардошлари устида кўтариб, ўз қонлари билан ўз мамлакатларини бўядилар”.

Газета турк-афғон иттифоқини ҳосил бўлғуси натижаларини кўрсатгандан сўнг айтадурки: “Афғон истиқлолияти, усмонлиларнинг миллий фотиҳлиги, Эрон-Афғонистон муҳоҳадаси бутун ислом миллатларининг уйғонганлигини ва ислом ҳукуматларининг иттифоқини исбот этадур.

Европа жаҳонгирларининг ҳаракатини маҳкум этмак учун, Эрон, Афғонистон, Усмонли, Арабистон, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва бошқа ислом ўлкалари бир-бирлари билан ҳамсоя бўлганлари ҳолда, маҳкум бир

иттиҳод вужудга келтириб, ўзларининг истиқлолиятларини муҳофаза қилиб биларлар.

Агарда бу ҳукуматлар орасида иттифоқ вужудга келса, ул вақтда фақат ислом оламининг эмас, балки бутун Шарқ миллатининг Ғарбий Европа занжир асоратидан халос бўлиши билан баробар демакдур”, деб сўзни тамом қиладур.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
<b>“1918-1939 йилларда Туркия” мавзусининг мазмуни.....</b>	<b>6</b>
<b>“1918-1939 йилларда Туркия” мавзусини ўрганишга оид қўшимча материаллар.....</b>	<b>8</b>
<b>“1918-1939 йилларда Туркия” мавзусини ўрганишда янги педагогик технологиялар ва инновацияларни қўллашнинг усуллари.....</b>	<b>17</b>
<b>Хулоса ва тавсиялар.....</b>	<b>21</b>
Илова.....	23